

ЦИРКУЛЯР ИҚТИСОДИЁТДА КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ПАКЕТЛАР МЕХАНИЗМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зокир Рустамович СОДИҚОВ

доцент

иқтисод фанлари номзоди

Ўзбекистон Халқаро исломшунослик академияси

Тошкент, Ўзбекистон

ORCID 0000-0002-0195-4573

zokirsodiqov1@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада циркуляр иқтисодиёт доирасида комбинациялашган пакетлар механизмининг асосий хусусиятлари таҳлил қилинган. Механизмининг дизайн ёндашувлари, молиявий модуляция жараёнлари ҳамда экологик ва иқтисодий натижалари ўрганилган. Туркия, Польша ва Буюк Британия тажрибаси мисолида комбинациялашган пакетларнинг барқарор ривожланишдаги ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: циркуляр иқтисодиёт, комбинациялашган пакетлар, экологик солиқ, молиявий модуляция, чиқиндиларни қайта ишлаш, барқарор ривожланиш.

ОСОБЕННОСТИ МЕХАНИЗМА КОМБИНИРОВАННЫХ УПАКОВОК В ЦИРКУЛЯРНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Зокир Рустамович СОДИКОВ

доцент

кандидат экономических наук

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

ORCID 0000-0002-0195-4573

zokirsodiqov1@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматриваются основные особенности механизма комбинированных упаковок в рамках циркулярной экономики. Анализируются проектные подходы, процессы финансовой модуляции, а также экологические и экономические результаты. На примере Турции, Польши и Великобритании показана роль комбинированных упаковок в устойчивом развитии.

Ключевые слова: циркулярная экономика, комбинированные упаковки, экологический налог, финансовая модуляция, переработка отходов, устойчивое развитие.

Циркуляр иқтисодиёт моделида комбинациялашган пакетлар механизмини жорий этиш имкониятлари ва ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Айни пайтда комбинациялашган пакетлар (combined packages) тушунчасининг маъноси ишлаб чиқариш ва ташкил этиш жараёнида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу бир вақтнинг ўзида энергия тизими билан материаллар тизимида ресурс сарфларини қисқартириш ва чиқиндиларни камайтириш борасидаги ислохотларни уйғунлаштириш вазиятини кўзда тутати. Яъни, фаолият жараёнида фақат энергия самарадорлиги ёки фақат материаллар айланишини самарали ташкил этиш эмас, балки ҳар иккаласини биргаликда ўзгартириш амалиёти ҳисобга олинади. Шу боис, дастлаб, бу кўп қиррали тизимнинг алоҳида жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Бунинг муҳим жиҳати шундаки, Энергия тизимидаги ўтиш (Energy Transition – масалан, қайта тикланувчи энергия, углеродсиз ишлаб чиқариш) тушунчасида анъанавий, юқори углеродли энергия манбалари бўлмиш кўмир, нефт, газ ва бошқа шу кабилардан аста-секин барқарор равишда воз кечиш, паст углеродли ёки нол углеродли манбалар бўлмиш қуёш, шамол, гидро, геотермал, водород ва бошқа шу сингари энергияларга ўтиш жараёнини англатади. Энергия тизимидаги ўтишда асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши кузатилади. Жумладан, мазкур амалиёт дастлаб фосил (қазиб олинadиган) ёқилғилардан воз кечиш тарзида намоён бўлади. Хусусан, фосил ёқилғилар (fossil fuels) бу миллионлаб йиллар мобайнида ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг ер остида босим ва ҳарорат таъсирида кимёвий ўзгариши натижасида ҳосил бўлган табиий ёқилғилар ҳисобланади. Уларнинг асосий турлари кўмир (ўрмон ва ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган қаттиқ ёқилғи), нефт (қадимий денгиз ўсимликлари ва микроорганизмлар қолдиқларидан ҳосил бўлган суюқ ёқилғи) ва табиий газ (асосан метандан иборат бўлиб, нефт ва кўмир қатламлари билан боғлиқ газ) кабилардан ташкил топади. Ушбу ёқилғиларнинг хусусиятлари юқори энергия манбаи (кўп иссиқлик беради) бўлишида, қазиб олиш ва ташиш технологияси яхши ривожланганлигида, арзон ва кенг тарқалганлигида намоён бўлади. Буларнинг ютуқлари билан

бирга айрим камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар карбонат ангидрид гази (CO_2) ва бошқа иссиқхона газларини табиатга чиқариб иқлим ўзгаришига ва глобал исишга, ҳаво, сув ва тупроқни ифлосланишига, ерни қазаш, нефт тўкилиши, метанни чиқишига сабаб бўлиб, кутилмаган экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, фосил ёқилғилар тугайдиган ва чекланган ресурслар бўлиб, улар қайта тикланиш хусусиятига эга эмас. Хусусан, электр станцияларида кўмир ёқиш, автомобилларда бензин ва дизел ёқилғиси (нефт маҳсулотлари)ни ишлатиш, уй-жойларни ва ижтимоий инфратузилма объектларининг иситиш тизимларида табиий газдан фойдаланиш кабилар киради. Шу боис, фосил ёқилғилардан фойдаланишдан воз кечиш, яъни, кўмир, нефт ва газ истеъмолини қисқартиришга, иссиқхона газлари чиқиндисини камайтиришга хизмат қилади. Натижада бу фаолият табиат ифлосланишининг олдини олишга ва экология яхшиланишига олиб келади.

Жаҳон хўжалиги изчил глобаллашаётган ва халқаро ҳамжамият шиддат билан тараққий этаётган даврда миллий иқтисодиётда қайта тикланувчи энергия улушини мунтазам равишда ошириб бориш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун қуёш панеллари, шамол турбиналари, биоэнергия тизими ривожлантирилиши, шунингдек, энергия истеъмоли талаб этиладиган жараёнларда арзон ва технологик жиҳатдан самарали ечимларни жорий этиш муҳим механизмлардан ҳисобланади.

Айни пайтда, энергия самарадорлигини ошириш учун қурилишларда иссиқлик изоляциясини амалга ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали камроқ энергия сарфлаш ва тежаш учун шароит яратиш талаб этилади. Шунингдек, транспорт тизимини декарбонизация қилиш учун электр транспорт воситалари ва водород ёқилғисини кўпайтириш, жамоатчилик транспортларини ривожлантириш ва бошқа муқобил имкониятлар ташкил этиш ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, энергия сақлаш тизимларини ва тармоқларини халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш мақсадида аккумуляторлар ва водород омборларини

барпо қилиш, ақлли электр тармоқлари (smart grids)ни шакллантириш имкониятларни кенгайтиришга ва катта ютуқларга олиб келади.

Мамлакат энергия тизимида янгича фаолиятларга ўтишдан мақсад бу иқлим ўзгаришини секинлаштириш ва карбон эмиссияларини камайтириш, энергия хавфсизлигини таъминлаш ва бу борада импортга қарамликнинг олдини олиш, циркуляр иқтисодиёт бўйича яшил иш ўринлари ва технологик инновациялар каби янги иқтисодий имкониятлар яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали ифлосланишнинг олдини олиш ва ҳавонинг сифатини яхшилашдан иборат. Масалан, бугунги кунда Германияда “Energiewende” дастури орқали қайта тикланувчи энергиянинг улуши 40% дан ортиқ даражага етган бўлса, Хитой куёш ва шамол энергияси бўйича дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи салоҳиятига эга, Норвегияда автомобилларнинг 80% дан ортиғи электр транспорт воситаларидан ташкил топмоқда.

Материаллар тизимидаги ўтиш (Materials transition) тушунчаси бу хомашё қазиб олиш ва “олиш–ишлатиш–ташлаш” чизиқли (linear) иқтисодиёт моделидан воз кечиб, ресурслардан самарали фойдаланиш, қайта ишлаш ва циркуляр иқтисодиётга ўтиш жараёнини англатади. Шунинг учун материаллар тизимидаги ўтишнинг асосий йўналишлари изчилликдаги кетма-кетлик бўйича кўриб чиқилади. Хусусан, ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида камроқ материал билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, жараёнда енгил, мустаҳкам ва қайта ишланадиган материаллардан фойдаланишни ташкил этиш керак.

Шунингдек, бу жараёнда қайта ишлаш (Recycling) фаолиятини ташкил этиш учун металллар, пластмасса, электрон чиқиндиларни қайта ишлашни амалга ошириш, иккиламчи хомашёлардан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, қайта фойдаланиш (Reuse) ва таъмирлаш (repair) амалиётини йўлга қўйиш орқали маҳсулотларни ташлаб юбормасдан, уни қайта ишлатиш ёки таъмирлаш фаолиятини ташкил этиш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Миллий хўжаликда циркуляр иқтисодиёт амалиётини оммалаштириш, чиқиндиларни янги ресурсларга айлантириш ва ёпиқ цикли (closed-loop) ишлаб чиқариш тизимини жорий этиш энг асосий йўналишлардан бўлиши керак. Шунингдек, инновацион фаолиятни намоён қилувчи биопластик, композит, қайта тикланувчи манбага асосланган материалларни, қайта ишланиши осон ва экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Материаллар тизимидаги ўтиш амалиётининг мақсадлари – бу ресурслар қазиб олишни камайтириш билан экологик босимни пасайтириш, чиқиндиларни камайтириш орқали полигон ҳамда денгиз ва океан сувлари ифлосланишининг олдини олиш, иқтисодий самарадорликни ошириш орқали хомашё импортига қарамликни камайтиришга, барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмолни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни экологияга зарар етказмасдан давом эттиришга шароит яратишдан иборат. Зеро, жаҳон амалиётида бу борада муваффақиятли ютуқлар мавжуд бўлиб, Европа Иттифоқида “Circular economy action plan” бўйича пластик чиқиндиларни 2030 йилгача 55% гача бўлган қисмини қайта ишлашни ташкил этиш мақсад қилинган бўлса, Японияда “Sound Material-Cycle Society (Қаттиқ материал-цикли жамияти)” концепцияси орқали чиқиндиларни ресурсга айлантириш йўлга қўйилган ва Швецияда қайта ишлаш даражаси 99% га яқин бўлиб, чиқиндиларнинг асосий қисми қайта ишланади ёки энергияга айлантирилади.

Комбинациялашган пакетларнинг таркибига кирувчи энергия тизимидаги ўтиш билан материаллар тизимидаги ўтиш жараёнлари алоҳида-алоҳида таҳлил қилинди. Энди уларни комбинация қилиш орқали эришиладиган натижалар кўриб чиқилади. Чунки, бу фаолият натижасида материал оқимлари камайиб, янги ресурс қазиб олиш ва ишлатиш ҳажми қисқаради. Бунинг натижаси ўлароқ табиатда ифлосланиш босими сўниб, чиқиндилар, карбонат ангидрид гази ва бошқа зарарли моддаларнинг эмиссия қилиниши қисқаради.

Комбинациялашган пакетнинг аҳамияти нуқтаи назаридан эътибор бериладиган бўлса, агар автомобил саноатида фақат энергия самарадорлиги оширилса, электр автомобиллар карбонат ангидрид газини чиқиндисини камайтиради, аммо, батарея ишлаб чиқариш материал сарфини кўпайтиради. Агар, фақат материал айланиши яхшиланса, қайта ишланган металллардан машина ишлаб чиқарилади, лекин ёқилғи самарадорлиги паст бўлгани учун бари бир экологиянинг ифлосланиши кўп бўлади. Демак, шу боис, бу жараёнда комбинациялашган пакетлар асосида ташкил этиш ўта даражада долзарб ва устувор аҳамият касб этади. Чунки, комбинациялашган пакет тизимида ҳар икки йўналишдаги фаолият уйғунликда олиб борилгани учун машина қайта ишланган материаллардан тайёрланиши ва электр энергияси қайта тикланувчи манбалардан олиниши натижасида ҳам ресурс сарфи тежалади ҳамда табиатга камроқ чиқинди чиқарилади. Хулоса сифатида комбинациялашган пакетлар – бу энергия ва материаллар тизимлари бўйича ўтиш сиёсатларини биргаликда амалга ошириш жараёни бўлиб, улар алоҳида-алоҳида чора-тадбирлар билан эришиб бўлмайдиган даражада катта муваффақиятларга, хусусан, ресурс оқимларини чеклашга ва экологик босимни кескин қисқартиришга эришади.

Циркуляр иқтисодиёт моделининг комбинациялашган пакетлари (combined packages) тушунчаси – бу циркуляр иқтисодиёт тамойилларини самарали амалга ошириш учун бир нечта сиёсий, иқтисодий, фискал воситаларни, ресурсларни тежаш ва чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирларини биргаликда қўллашни англатади. Оддий қилиб айтганда, бу ягона битта механизм эмас, балки турли чора-тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради ва кучайтиради. Бунда, комбинациялашган пакетлар механизмининг асосий мазмуни – бу турли хил экологик, иқтисодий ва молиявий сиёсат инструментлари (солиқ имтиёзлари, субсидия, грант, тартибга солиш, ахборот кампаниялари) бирлаштирилган ҳолда қўлланилганда самара ортиши сифатида намоён бўлади. Ушбу ёндашув тарзи, белгиланган мақсадга эришиш учун “битта инструмент

етарли эмас” деган тамойилга асосланади. Масалан, фақатгина материалларни тежаш ёки солиқ имтиёзи бериш кутилган натижага эришиш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Демак, ушбу жараён кўп қиррали ва изчилликда мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилиши, хусусан, энергия ва материални тежаш, солиқ имтиёзи бериш ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, таълим дастурларини ташкил этиш фаолиятларини ўзаро уйғунлаштирилиши кераклигини билдиради. Масалан, атроф-муҳитни асраш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарар келтирган жисмоний ва юридик шахсларга экологик солиқлар, аксинча, наф келтирганларга эса субсидиялар жорий этилиши, яъни, бир томондан чиқиндиларни қўпайтирган ва табиатга салбий таъсир қилган корхонадан солиқ ундирилиши, иккинчи томондан, қайта ишлаш технологиясини жорий қилган ва экологияни муҳофаза қилишда иштирок этган тадбиркорларга субсидия берилиши керак.

Циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида комбинациялашган пакетларнинг аҳамиятли жиҳатлари ва улар билан боғлиқ тавсиялар ҳамда унинг самарали жиҳатлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Циркуляр иқтисодиётда комбинациялашган пакетлар аҳамияти

Инструментлар	Тавсиялар	Таъсири
Фискал механизмлар (солиқ, субсидия, грант)	Қайта ишлаш технологиясини жорий этган корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш Яшил технологияларга субсидия ажратиш	Корхоналарда циркуляр технологияларга сармоя киритиш рағбатлантирилади Харажатлар камаяди, рақобатбардошлик ошади
Ҳуқуқий тартибга солиш	Чиқиндиларни мажбурий саралаш меъёрларини жорий этиш Қайта ишлаш коэффициентини белгилаш	Чиқиндилар ҳажми камаяди Корхоналар экологик стандартларга амал қилади
Бозор механизмлари	Углерод квоталари савдоси Яшил облигациялар чиқариш	Барқарор молиявий манбалар яратилади Инновацион инвестициялар оқими кучаяди
Ахборот ва таълим дастурлари	Аҳоли учун чиқиндини саралаш кампаниялари Экологик саводхонлик	Жамиятда экологик маданият ошади Узоқ муддатда чиқинди

	курсларини ташкил этиш	камайиши таъминланади
Технологик инновацияларни қўллаб - қувватлаш	Стартап лойиҳаларига грантлар ажратиш Яшил ИТТКИ марказлари очиш	Инновациялар тез оммалашади Саноат барқарор ва чиқиндисиз ишлашга яқинлашади

Ушбу 1-жадвал маълумотларидан циркуляр иқтисодиёт тизимини ривожлантиришда комбинациялашган пакетларнинг бир нечта механизмни бирлаштирган ҳолда самарадорликни ошириши кўринади. Шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан бизнесменлар учун мажбурий қайта ишлаш нормативлари жорий этилиши билан бир қаторда яшил технологияларни импорт қилиб, амалда қўлламоқчи бўлган тадбиркорларга божхона имтиёзлари берилиши талаб этилади. Бундан ташқари, аҳоли орасида чиқиндини саралаш маданиятини ошириш борасида тушунтиришлар берилиши билан бир қаторда стартап лойиҳалар учун грантлар ажратилиши самарали ёндашув бўлади ва кутилган натижаларни келтириб чиқаради.

Шу боис циркуляр иқтисодиётнинг комбинациялашган пакетларининг ўзига хос афзалликлари мавжуд бўлиб, у жараёнга комплекс таъсир кўрсатади (фақат битта чорага қарам бўлмайдиган), рискларни камайтиради ва барқарор натижа беради. Шунингдек, бозор иштирокчилари учун мотивацияни кучайтиради ва инновацияларни тезлаштиради. Хулоса қилиб айтганда, комбинациялашган пакетлар – бу циркуляр иқтисодиётда молиявий, ҳуқуқий ва ижтимоий воситалар уйғунлиги бўлиб, улар биргаликда фаолият олиб борганда иқтисодиётда чиқиндисиз, ресурс тежовчи ва барқарор тизим шаклланишини жадаллаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2030-йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2-декабр ПҚ-436-сон қарорига 1-ИЛОВА. Lex.uz

2. 2019 — 2030-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сон қарорига 1-ИЛОВА. Lex.uz

3.Barbier, E.B., 2016. Sustainability and Development. Annual Review of Resource Economics, 8(1), pp.261–280.

4.Circular economy practitioner guide. (2018). Strategies and examples. <https://www.ceguide.org/Strategies-and-examples>

5.Ecopreneur.eu (2019). Circular Economy Update: Overview of Circular Economy in Europe. <https://ecopreneur.eu/wpcontent/uploads/>

6.Material Economics (2018). The Circular Economy: A Powerful Force for Climate Mitigation. Transformative innovation for prosperous and low-carbon industry. <https://media.sitra.fi/2018/06/12132041/>

7.Stiglitz, J.E., Sen, A. and Fitoussi, J.P., 2010. Mismeasuring Our Lives: Why GDP Doesn't Add Up. New York: The New Press.

8.Stern, N., 2007. The Economics of Climate Change: The Stern Review. Cambridge: Cambridge University Press.

9.Tietenberg, T.H. and Lewis, L., 2016. Environmental and Natural Resource Economics. 10th ed. New York: Routledge.